

Ўзбекистоннинг коррупсияга қарши кураш сиёсати



Режа:

- 1.** Коррупция тушунчаси ва унинг ижтимоий илдизлари.
- 2.** Коррупцияга қарши курашнинг ҳуқуқий асослари: миллий қонунчилик ва хорижий тажриба.
- 3.** Ўзбекистон Республикаси Президенти коррупция ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш ҳақида.
- 4.** Ўзбекистонда коррупция ва жиноятчиликнинг шаклланиши ҳамда унга қарши кураш борасида амалга оширилаётган тадбирлар.

“Коррупция” термини лотинча
“corruptio” сўзидан келиб чиққан
бўлиб, этимологик маъноси
“бузиш, сотиб олиш” дир.

Коррупция — бу жамиятни турли йўллар билан
исканжага оладиган даҳшатли иллатдир. У демократия
ва ҳуқуқ устуворлиги асосларига путур етказди, инсон
ҳуқуқлари бузилишига олиб келади, бозорлар
фаолиятига тўсқинлик қилади, ҳаёт сифатини
ёмонлаштиради ва одамлар хавфсизлигига таҳдид
соладиган уюшган жиноятчилик, терроризм ва бошқа
ҳодисалар илдиз отиб, гуллаши учун шароит яратиб
беради. (БМТнинг Коррупцияга қарши *Конвенциясидан*)

**«Коррупция – шахсий мақсадда
фойда олиш учун давлат
ҳокимиятини суиистеъмол
қилишдир».**

(БМТнинг Коррупцияга қарши курашга оид маълумотномасидан).

**«Коррупция –шахсий манфаат
учун давлат ҳокимиятини
суиистеъмол қилишдир».**

(Жаҳон банкининг ҳозирги дунёда давлатнинг ролига бағишланган ҳисоботида ҳам коррупцияга шу каби таъриф берилган).

1994 йилнинг 31 декабрида чоп этилган “Financial Times” газетаси 1995 йилни “Коррупцияга қарши кураш йили” деб эълон қилинган. Бирлашган Миллатлар ташкилоти эса коррупцияга оид саводхонликни ташвиқот қилиш учун 9 декабрни “Коррупцияга қарши курашнинг” халқаро кунини деб таъсис этди ва ушбу кун 2004 йилдан бошлаб нишонланиб келинади.

*Коррупция – қандай муаммолар
сирасига киради:*

- **ҳуқуқий – 64,0 %;**
- **иқтисодий – 51,0 %;**
- **ижтимоий – 46,3 %;**
- **ахлоқий – 45,8 %:**


Коррупция – иқтисодий ва ижтимоий муаммолар манбаи:

- иқтисодий муаммолар сабаби - 63 %;
- бюрократия -17%;
- иқтисодиётнинг реал секторини монополлаштириш -10%;
- инфляциянинг юқори даражаси – 4%;
- бошқа сабаблар – 6%:

Манба: www.aif.ru сайти


Ўзбекистонда коррупция бор деб ҳисоблайсизми?

(Сўралганлар сонидан фоизларда)



Шахсан ўзингиз коррупция ҳолатларига дуч келганмисиз?

(сўралганларнинг умумий сони фоизларда)



ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН АКСИЛКОРРУПЦИЯВИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР САМАРАДОРЛИГИ ДИНАМИКАСИ

Жамоатчилик фикри	2011йил	2016йил
Коррупцияга қарши чоралар самара беришти, деб ҳисобловчилар	27,6 %	67,2 %
Ўзбекистонда коррупция кенг тарқалган деб ҳисобловчилар	53,1 %	33,9 %
Коррупция, тамагирлик ва порахўрлик кўринишларига шахсан дуч келмаганлар	-	88,6 %
Ўз муаммоларини ечиш усули сифатида пора бериш усулига шахсан салбий муносабатда бўлганлар	48,4 %	76,4 %
Муаммони тезроқ ҳал қилиш учун пора бериш мумкин деб ҳисобловчилар	-	33,3 %

Коррупциянинг таҳдиди ҳақида:

- амалга оширилаётган ислоҳотларга қаршилик кўрсатиш;
- давлатнинг конституциявий асосларини емириш;
- жамиятнинг маънавий-ахлоқий асосларини емириш;
- жамият аъзоларининг фуқаролик мавқеини йўққа чиқариш, ислоҳотлар ғоясини обрўсизлантириш;
- пул орқали ҳокимиятни қўлга олишга интилиш;
- нопок йўллар билан бойлик орттириш. Бундай кимсалар адолатли жазодан қўрқиб, ҳамма ишни қилишга, ҳатто вазиятни беқарорлаштиришга, оммавий тартибсизликларни келтириб чиқаришга шай турадилар;
- жиноий усуллар билан бойлик орттирган кимсаларни «демократия» учун жафо чеккан курашчилар деб кўрсатиш. Бундай шахслар аввалига ўз халқини алдаб капитал туплайди, кейин демократия ва адолатни рўкач қилган ҳолда жамоатчилик фикрини чалғитиб, сиёсий обрў орттиради. Сир эмаски, бундай шахслар ўз манфаатлари йўлида республикадаги вазиятга таъсир кўрсатишга уринаётган ташқи кучларга хизмат қилишга ҳамиша тайёр турувчилардир.



Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Шавкат Мирзиёев

Коррупция ва уюшган
жиноятчиликка қарши
курашиш, шунингдек,
ҳуқуқбузарликларнинг олдини
олиш ма салаларини самарали
ечиш устувор вази-
фаларимиздан бири бўлиб
қолади.

Коррупциявий даромад–ҳаром даромад бўлиб, бу даромадлардаги тенгсизликни келтириб чиқаради ва кучайтиради. Коррупциянинг миллий хавфсизликка хатари шундаки, у кишиларда норозилик уйғотиб, жамиятдаги интизомий мувозанатга таҳдид солади. Шунингдек, коррупция даромадларнинг порахўрлар қўлида тўпланишига олиб келади. Натижада, ўз соҳиби ишлаб топган даромаднинг порага айланган қисми яширин тарзда жамғарилади. Порахўр қўлида жамғарилган пул инвестицияга ҳам хизмат қилмайди. Энг ёмони бу аҳоли қўлидаги пул қолдиғини кўпайтиради ҳамда пул муомаласига ёхуд мамлакат монетар хавфсизлигига раҳна солади.

Коррупцияга қарши кураш сиёсатининг мақсади – коррупция даражасини пасайтириш ҳамда фуқаролар, жамият ва давлат ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларининг коррупция билан боғлиқ таҳдидлардан ҳимояланишини таъминлашдан иборат. Бу сиёсат давлатнинг коррупцияга қарши қаратилган, қабул қилинган турли қонунлари, қарорлари, дастурларида ўз ифодасини топади. Коррупцияга қарши кураш сиёсати – бу давлатнинг коррупциянинг олдини олиш, у пайдо бўлганда уни тугатиш ва чеклаш борасидаги саъй-ҳаракатлари ва аниқ чора-тадбирлар мажмуидир.

Коррупцияни амал қилиш даражаларига кўра қуйи ва юқори коррупцияга ажратилади:

Қуйи коррупция ҳокимият ва бошқарув органларининг ўрта ва қуйи даражаларида энг кўп тарқалган бўлиб, амалдорлар ва фуқароларнинг доимий ўзаро муносабати билан (рўйхатдан ўтиш, жарималар, лицензия ва турли рухсатномалар олиш кабилар) билан боғлиқ.

Юқори коррупция ҳокимият органларида ишловчи сиёсатчилар, олий мартабали амалдорларни қамраб олади ҳамда юқори баҳога эга бўлган қарорлар қабул қилиш (қонунларни, давлат буюртмаларини лоббилаш ва қабул қилиш, мулкчилик шаклларини ўзгартириш ва шу кабилар) билан боғлиқ.



Коррупция — шахсинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этиш

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг коррупцияга қарши кураш борасидаги ҳужжатлари:

- 1) “Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодекси” (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1979 йил 17 декабрда қабул қилинган);
- 2) Ҳуқуқий тартиботни сақлаш бўйича мансабдор шахсларнинг хулқ-атвор Кодексини самарали амалга оширилиши учун раҳбарий принциплар (БМТнинг Иқтисодий ва Ижтимоий Кенгаши резолюцияси билан 1989 йил 24 майда қабул қилинган);
- 3) Давлат мансабдор шахсларининг Халқаро хулқ-атвор кодекси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 12 декабрда қабул қилинган);
- 4) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Халқаро тижорат операцияларида коррупция ва порахўрликка қарши кураш тўғрисидаги Декларацияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1996 йил 16 декабрда тасдиқланган);
- 5) Терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги халқаро конвенция (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 1999 йил 9 декабрда қабул қилинган);
- 6) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2000 йил 15 ноябрда қабул қилинган);
- 7) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Форумининг офшорлар бўйича Коммюникеси (Кайман ороллари, 2000 йил 30-31 март);
- 8) Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг коррупцияга оид маърузаси (Вена, 2001 йил 8-17 май);
- 9) Коррупцияга қарши кураш бўйича чора-тадбирлар тўплами (2001 йил июнь);
- 10) Коррупцияга қарши кураш чоралари. Пулни тозалашга қарши кураш чоралари. Жиноятчилик ва одил судлов: XXI аср чорловига жавоблар тўғрисидаги Вена декларациясини амалга ошириш ҳаракат Режаси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2002 йил 15 апрелда қабул қилинган)
- 11) Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси (БМТ Бош ассамблеясининг Резолюцияси билан 2003 йил 31 октябрда қабул қилинган).